

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

_____ т.

2022 й. «05. СЕНТ 20Р»

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Хива туман МТБ» номидан низом асосида иш юритувчи, рахбари Х.Собирова бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «NAZAR GRANT» Х/К номидан низом асосида иш юритувчи рахбари Х.Назаров иккинчи томондан «5-сон ДМТТ биносини» жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

- ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитилладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

- курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

- вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатилладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

- беркитилладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитилладиган ишлар;

- шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари кийматини аниқ белгиллаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини босқичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Сметада» кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда 240 000 000 (Икки юз кирк миллион) сўмни ҚҚС билан ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;

- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узғаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдони қуриқлинишини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада қузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради

15. Объектни 2022 йил «30» сентябр ойида фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдоридан аванс утказилади, бу 72 000 000 (Етмиш икки миллион) сумни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул килингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнанинг охириги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечиикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юрилади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) ақс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч холатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган қуч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни қонсервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳоқама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- уз томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва қала ишларни, жумладан ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома қучга қиргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қуп вақтга қечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-45-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сон қарори билан, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Хизмат қўрсатиш асосиз кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган бўлса, "пудратчи" Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, аммо пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Маҳсулотлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги қерак.

43. Хизмат қўрсатиш учун тўлов вақтида тўланмаган тақдирда, "Буюртмачи" Сотувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўловнинг 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди.

44. Жарима (пеня, жарима) тўланганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган томон бошқа томонга етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддасига асосан, жарима (пеня, жарима) ва шартномавий мажбуриятларни лозим даражада бажармаганликлари натижасида етказилган зарарлар қопланиши тарафларни шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

45. Тўлов кечиктирилган тақдирда, "Буюртмачи" тўланмаган миқдордаги барча Маҳсулотларни сақлаш шароитларига тўлиқ жавоб берадиган қўринишида қайтаради.

46. Харидор томонидан ушбу шартноманинг 4.2-бандига риоя қилмаслик натижасида "пудратчи" "хизматлар"нинг сифатсизлиги учун жавобгар бўлмайди.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня қабил мулкий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

49. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

50. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муурожаатни олган томон 10 (ўн) иш қуни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

51. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

52. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

53. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

54. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

55. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

56. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

57. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қелишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. туғрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб қикилади.

58. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қулланилади.

59. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначилиқдан руйхатдан утгандан кейин юридик қучга қиради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.

60. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга булиб 3 нусхада тузилди.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ: БУЮРТМАЧИ:

" NAZAR GRANT" Х/К

Хива туман МТБ

Манзили: __ Урганч тумани

Манзил: __ Шомахулум кишлоги _____

Тел/факс : 91-000-00-00

Тел/факс __ 375-20-34 _____

х/в : 2020 8000 600 921 117 001

100022860332267091100251010

Банк номи : Хамкор банк

бюджетдан маблаг олувчи СТИР и 305153534

МФО : 01020 СТИР : 305 758 033 ОКОНХ _____

ОКОНХ : _____

Ҳазначилик булинмаси номи: Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи __ Марказий банк Тошкент _____

МФО __ 00014 _____

Ҳазначилик булинмаси СТИР и 201122919 _

Рахбар __ Х.Сабилова _____



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyiha nomi.

Xiva tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "NAZAR GRANT" x/k o'rtasidagi xizmat ko'rsatish shartnomasi.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot.

Xiva tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 31-avgust kuni dasturga kiritilgan. (XU52734005)

XULOSA

Xiva tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan shartnoma loyixasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Xiva tuman yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



H.Rimberganov

31.08.2022-yil